УЧЛИКЛАР КОГНИТИВ ФАНЛАР АСПЕКТИДА

Қ.В. Йўлчиев

Мақолада хитой шоирлари Сэ Бин Син, Линь Цзянь-лун ва ўзбек шоири Ўктам Мирзаёрнинг учлик жанридаги шеърлари когнитив фанларнинг асосий тушунчалари ва трансцендентал-қиёсий типология усули ёрдамида тадқиқ қилинади. Бунда аввало дунёни англашдаги психологик механизмлар ва уларнинг кўриш, кузатиш, эшитиш, ҳиссий қабул қилиш, қайта ишлаш, рефлекс каби босқичлари асосида матннинг мазмунига эътибор берилади. Когнитив поэтиканинг шеърни талқин ва таҳлилидаги аҳамияти кўрсатилади.

***Калит сўзлар**: когнитив фанлар, когнитив поэтика, трансцендентал-қиёсий типология, учлик, психологик механизм, кечинма, репрезентация.*

В статье исследуются трехстишия китайских поэтов Сэ Бин Син, Линь Цзянь-лунь и узбекского поэта Уктама Мирзаёра на основе трансцендентально-сравнительной типологии когнитивных наук. При этом уделяется особое внимание таким психологическим механизмам, как чувственное созерцание, воображение, ассоциативное представление, рефлекс и показано их значение в когнитивной поэтике в процессе интерпретации и анализа стихотворений.

***Ключевые слова:** когнитивная наука, когнитивная поэтика, трансцендентально-сравнительная типология, трехстишие, психологический механизм, переживание, репрезентация.*

This article presents materials of comparative-trancedental analysis of the poems of Chinese poet Se bin sin and Lyntzyan Lun and Uzbek poet Uktam Mirzayor's works written in the style three-verses from the point o view of cognitive sciences. A secial attention is paid in it to the ideas of understanding the psychological mechanisms and their world view, observing, listening, emotional acceptance, processing, such as reflex attention as well as the importance of cognitive poetics in poetry interpretation.

***Key words:** cognitive sciences, cognitive poetics, transendetal-comporative typology, trinity, psychological mechanism, experience, representation.*

Немис олими Сильвио Вьетта бадиий матнларни жанрдан бошқа жиҳатларига кўра таснифлашда “қабул қилишнинг субъектив шакллари, бадиий реаллик яратишнинг усуллари ёки ўзлаштириш модусларини кўрсатадиган шахс психологик имкониятларининг шартлилиги, ҳиссий идрок, ўйлаш, хотира, ассоциатив тасаввур, рефлекс каби матн яратувчи механизмларга асосланган трансцендентал (дастлабки мулоҳазага доир, чегарадан чиқувчи – Й.Қ.) типологияга мурожаат қилишни маъқул кўради” [1.51-52]. Когнитив поэтиканинг мазкур хусусияти, айниқса, шаклан ўхшаш бўлган кичик лирик жанр – учликлар типологиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Учликлар матни ўта қисқалиги улардаги мазмунни яхшироқ англаш учун ўқувчида психологик ассоциацияга эҳтиёж туғдиради. Бу эса мазкур шеърларни когнитив фанлар доирасида таҳлил қилишни тақозо этади.

Аввало, кичик лирик жанрлар хитой шеъриятида “сяо ши” (қисқа жанрдаги шеърлар) деб аталишини таъкидлаш лозим. Асосан сяо шида ижод қилган Сэ Бин Син шеърларида япон хайкуларининг таъсирини кузатиш мумкин. Лекин унда лирик қаҳрамон образидаги муаллифнинг дунёни бадиий идрок қилишидаги психологик механизми бошқачароқдир. “Негаки хитой шеърияти қалбни тўла-тўкис очиб ташлайдиган шеърдир” [2.127]:

Менинг юрагим –
Денгиз тўлқинидаги
Ёлғиз сузаётган кема мисоли [3].

Муаллиф психологиясида таъсирчанлик, ўзини ёлғиз ҳис этиш етакчилик қилади. Шунингдек, унга эътибор қаратишларини ҳам истайди. Денгиз ва кема деталлари унда тасаввур кенглигини намоён этади. Шеърдаги юракнинг кемага ўхшатилиши эса муаллифда ўзини ифода қилиш, шахс сифатида ўзини кўрсатиш, ҳаётда ўрнини топишга интилиш кучли эканини ҳам билдиради. Яъни юракни биринчи планда тасвирлаб, унинг индивид сифатида тан олинишини истайди. Лекин бунда у босим ўтказмаяпти, ўқувчи билан муаллиф ўртасидаги психологик дистанция сақланган, яъни унга тўғридан-тўғри мурожаат қилмаяпти, ўзини назоратда ушлаб турибди. Денгиз муаллиф учун ҳаёт тимсолидир. Бу унинг имкониятлари ўртача эканини билдиради, чунки у уммонни, чексиз ҳудудни, ёки янада кичикроқ ўзан – дарёни эмас, балки ўртача миқдордаги чекланган сув ҳавзасини ифодалаган. У рефлекс сифатида юзага келган.

Учликда шоир ижтимоий англашдаги кўп қиррали тушунча – репрезентациядан фойдаланган. Яъни адабиёт, фалсафа, психология, социологияда қўлланиладиган юрак, денгиз, кема сўзлари бошқа маъноларда ҳам ишлатиладиган сўзлар бўлиб, бу ерда белгининг асосий вазифаси устига белгиларнинг ўзаро муносабатга киришиши натижасида янги – ёлғиз киши ҳаётда мустаҳкам асосга эга бўлмаган турмуш кечиряпти, деган мазмун юкланган.

Юқоридаги мулоҳазалардан муаллиф нисбатан ёпиқ характерли экан деган қатъий хулосага келмаслик керак. Чунки психолог А.Адлернинг фикрича, “...тўлақонли шахс бўлиш учун бир неча номукаммал қадриятларга ҳам эга бўлиш керак. Камчиликлар бўлиши – инсон ҳиссиёти учун табиий ҳол” [4]. Лекин Сэ Бин Син ёлғиз эмас. Гарчи у риторик усул ёки бадиий мурожат кўринишида аниқ берилмаган бўлса-да, лирик субъект ўзи суҳбат қурадиган одами борлигига ишора қилган:

Сукунат чўккан дам, бу –
Қўлларингга қалам тутиб,
Оқ қоғозга теккизишга ботинолмай турганинг [3].

Бунда муаллиф журъати етмай, иккиланиб турган ҳолатини англаб, тушуниб, уни бошқа одамга айтиб беряпти. Иккинчи образ хаёлийдир, балки реалдир, бу ноаниқ, муҳими унинг суҳбатдоши бор. Демак, унда ўзи кўриб, кузатиб, англаб, идрок этиб, унга шахс сифатида баҳо берган психофизиологик жараённи бошқаларга етказиш эҳтиёжи бор.

Сукунат чўккандаги ҳолат санъаткорнинг қўлига қалам олиб, ишни нимадан бошлашни билмай, иккиланиб турган чоғига қиёсланган. Чунки рассом психологиясида қалбидаги кечинмани, ўзини қийнаган муаммони, ғояни қоғозга тушириш учун катта куч ва ижодий шаҳд керак. Шоир сукунат бағридаги кишида ҳам ана шу хаёлий куч борлигини айтмоқчи.

Хитойлик бошқа бир шоир Линь Цзянь-лун япон хайкуларини ўз ижодий лабораториясида жиддий қайта ишлаганини кузатиш мумкин [5.136-146]. Бу, аввало, уларга сарлавҳа қўйилганида, иккинчидан, уларда замонавий кишининг маиший ҳаётига оид деталлардан унумли фойдаланилганида кўзга ташланади. Япон хайкуларида эса табиатга ошнолик ва рамзийлик кўпроқ бўлади, метафора ишлатилмайди.

Линь Цзянь-лун учликларини ташқи борлиқни ҳис этиш, англаш, тушуниш каби тушунчалар орқали таҳлил қилиш жараёнида шу нарса кузатиладики, шоир ташқи таъсирни, унга туртки берган детални ўз ички дунёсига олиб кириб, уни қайта ишлаб, тингловчига етказишда психологик механизм усулидан фойдаланилган. Лекин ҳис этишнинг ўзи изоҳга муҳтож бўлади. Чунки инсон онги ва руҳидаги ўзгаришни сўз билан ифодалаши учун маълум бир белги, метафора ишлатилади. Масалан, Линь Цзянь-лун қуйидаги шеърда чақмоқдан фойдаланган. Чақмоқ бадиий код, белги бўлиб, шеърдаги психологик ва эстетик тушунчалар механизмига хос кетма-кетлик, изчилликни,

ҳодиса, ҳолатни тушунтириш учун ишлатилади. Шунингдек, нур ва маърифат билан ассоциатив муносабатга киришади.

ЧАҚМОҚ

Ағдарилган идишдан
санчилди ернинг юзига
ўткир санчқи.

Шеър метафорик асосга қурилган бўлиб, чақмоқ чақиш жараёни ағдарилган идиш ва ундаги санчқининг ерга санчилишига ўхшатилган. Бу ерда санчқининг ерга санчилиш жараёни ва бунинг натижасида лирик субъект психологиясида юзага келган дардни ҳис этиш, уни қайта ишлаб, ҳиссий-фалсафий англамга айлантириш, дунё ҳақидаги билим сифатида шеърий шаклга тушириш жараёни, психологик, бадиий-эстетик механизм жуда мураккабдир. Агар уни изчиллик ва мантиқий қонуниятлар асосида талқин қилинмаса, шеърдаги шахснинг психологик портрети тўла чиқмайди. Аввало айтиш керакки, сарлавҳа (чақмоқ) билан шеър матнидаги воқелик орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ. Балки шоир қалбидаги (жумладан, ўқувчида ҳам) метафорик қайта ишланиш уларни ўзаро боғлаяпти. Бу ерда матн ичи ва матндан ташқаридаги бадиий реаллик ўзаро боғланиб, психологик ассоциация ёрдамида шеърдаги мазмуний доирани ўқувчи тушуниш доирасига қадар кенгайтирган.

Санчқининг ярқироқлиги, санчилиши ва оғриқ бериши чақмоқнинг ярқироқлиги, тепадан пастга қараб санчилиши ва қўрқув орқали дард бериши билан тенглашяпти. Лекин ҳали уларда алоҳида эстетик юк кўзга ташланмайди. Бунинг учун кузатилган ҳолатни ассоциация ёрдамида боғлаш ва ҳис этиш керак. Шундан сўнггина улардаги бадиий ғояни тушуниш мумкин. Агар тасаввур қилиш, ҳис этиш, ўзаро солиштириш, англаш, янги хулоса чиқариш каби когнитив жараёнларда узилиш рўй берса, шеърнинг асосий мақсади очилмаслиги мумкин.

Ўктам Мирзаёрнинг учлигида тасаввур фикр юритадиган механизмнинг бир қисми сифатида юрак, умр, дарахт, барг деталларини жиддий қайта ишлаб, образга айлантириб, шеър мазмунидаги ҳаётсеварлик, инсонпарварлик, табиатга меҳр каби умумфалсафий ғояларни ифодалашга хизмат қилдирилган:

Япроқлар табиат эртаги,
Тинглайман, эй она табиат.
Бунчалар даҳшатли эртагинг?! [6.26]

Шеърдаги япроқ деталга айланиб, асосий образ – табиатнинг матнга кирмаган яратувчи, япроқларни хазонга айлантирувчи ва йўқ қилгувчи функциялари билан бирлашган ҳамда мазкур воқеликни бадиий идрок этаёган лирик қаҳрамон онгида риторик сўроқ шаклида акс этган. Бу ерда кўриш, ҳис этиш, англаш, билиш каби психологик жараёнлар орқали ўтган информация эртак сўзи ва унинг бадиий код вазифасидаги янги мазмунида шахсни қийнаган муаммо, портловчи ўй-фикр бўлиб келган.

Шеърдаги эртак сўзи дастлаб лирик субъект психиологиясидаги қўзғалишнинг бошланувчи белгиси сифатида келган. Кейинги ўринда эса у тингловчи ёки ўқувчи онгига таъсир қиладиган юқори даражага чиққан.

Ўктам Мирзаёрнинг *“Бобо Саъдий айтар: Эй, чорасиз – қул. Бир нафас – жон эрур, баски, кўнглингни Тириклик зийнати вафога тўлдир...”* [6.25], “*Юрак шунчалар ожиз, Шунчалар ожиз Кўтара олмайман умрни”* [6.26] каби шеърлари дидактик мавзу, тушкунлик кайфияти билан ажралиб туради. Уларнинг бирида Шарқ мумтоз шеъриятининг йирик вакили Саъдий анъанасига содиқлик, иккинчисида табиатнинг шафқатсиз қонунияти, инсон умрининг ожиз томонлари ҳақида сўз юритилади. Уларни психологик тушунчалар доирасида таҳлил қилсак, анъаналарга содиқ қолиш инсон ижтимоий тажрибасининг маҳсули саналади. Кайфият эса индивидуал психологик хусусият ҳисобланиб, унда шахснинг маълум ҳолати акс этади. Биринчи шеърда лирик субъект инсондаги ўз-ўзини сақлашга интилиш асосини ижтимоий муносабатлар натижасида тўплаган тажрибада деб билмоқда. Машҳур шоир Саъдий образи орқали умрнинг ўткинчи эканлиги, шунинг учун бир нафаслик умрда иложи борича вафоли бўлиш лозимлигини таъкидланади.

Ғоялар мазмуни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало, инсонпарварлик, ҳаётсеварлик ва садоқат ғоялари илгари сурилган. Шеърнинг асосий муаммоси одамлар орасида учраб турадиган ношукурлик, ҳаёт неъматининг қадрига етмаслик муаммоларидир. Биз яхши биламизки, Шайх Саъдий Шерозий ғазаллари ҳаётсеварлик, инсонпарварлик, дўстга садоқат каби ўлмас ғоялари, енгил ўқилиши ва мусиқийлиги билан машҳурдир. Муаллиф мумтоз шоирнинг ана шу жиҳатларини у кишининг образи орқали эсга оляпти.

Кейинги шеърда бир қарашда тушкунлик, ўз ҳаётидан норизолик бордек туюлади. Аслида, бу тушкунлик эмас, балки ўз ҳаётига масъулият билан ёндашишдан келиб чиқадиган кечинмадир. Шоир ўзига берилган умрда зиммасига юкланган инсонийлик вазифасини бажара ололмасликдан қўрқиб тургани акс эттирилган. Бунда Юрак ва унинг тимсолида шахснинг “психологик харитаси”, импульси тасвирланган. Инсон деган юксак шарафни оқлаш учун берилган имкониятни бажаришга киришиш жараёнидаги муаммолар ва ҳаяжон шеър оҳангига сингдириб юборилган.

Таҳлиллардан маълум бўляптики, когнитив фанлар доирасида бадиий матн, хусусан, учлик-

ларнинг қиёсий ўрганилиши, гарчи адабиётшунослик назарияси ва тамойиллари доирасидан четга чиқса-да, турли психологик механизмлар орқали улардаги умумфалсафий ғоялар ифодасини, поэтик мазмуннинг янги қирраларини кашф этиш имконини яратади. Бунда асар яратувчисининг руҳий ҳолати, ундаги шахснинг образга айланиб мустақил фикр юритиш жараёни, репрезентация кабилар ўқувчига шеърни когнитив фанлар доирасида тушунишга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Соколова Е.В. 2014.004.06. Жеребин А.И. От Виданда до Кафки: очерки по истории немецкой литературы// Реферативный журнал. ИНИОН. Цент.гуманит.науч.-информ.исслед. Отд.Литературоведение.- М.,2014.№ 4. – 226 стр.

2. Генис А. Қалб фотографияси. Китобда: Жаҳон адабилари адабиёт ҳақида.- Т.: Маънавият, 2010.- Б.127.

3. Сэ Бин Син. Чин элидан соҳир садолар. Хитой тилидан Г. Азимова таржимаси.//Ёшлик.- 2010.- №6 (235).

4. Шойфет М.С. Сто великих врачей мира. –М.: Вече,2006. – 528 стр.

5. Азиатский мёд. Антология современной китайской поэзии. Сост. д.ф.н. Лю Вэнь-фэй. Посвящается Году Китая в России. // Петербургское Востоковедение. - Санкт-Петербург, 2007.- 256 стр.

6. Мирзаёр, Ў. Огоҳ кўнгил. Адабиёт ва санъат нашриёти. –Т., 1992.- 72 б.

Фарғона давлат университети
2015 йил 4 майда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Й.Солижонов)